

# ХИЗМАТЛАР КҮРСАТИШГА (ИШЛАРНИ БАЖАРИШГА) ОИД ШАРТНОМА №4

Самарканд шаҳри

«29» «март» 2022 йил

“ASKAR BISTRO UNIVER”ХК, кейинги ўринларда ”Бажарувчи” деб юритилади. Ўзининг Устави асосида иш юритувчи директор Холов А.Х.номидан, бир томондан ва Самарканд давлат чет тиллар институти, кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади, ўзининг Уставиасосида иш юритувчиректор Тухгасинов И.М. номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қўйидагилар ҳақида туздилар.

## I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартнома бўйича ”Бажарувчи” ”Буюртмачи ”га ”21 март умумхалқ наврӯз байрами” муносабати билан институт профессор ўқитувчи ва ходимлариға байрам дастурхони ташкил этиш учун (кейинги ўринларда - ”Хизматлар” деб юритилади) хизмат кўрсатиш, ”Буюртмачи” ушбу ”Хизматлар”ни қабул қилиш ва қийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

### 2.1. ”Буюртмачи ”нинг ҳуқуқлари:

2.1.1. ”Бажарувчи”дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошка норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

2.1.2. ”Бажарувчи”дан ”Хизматлар” ”Буюртмачи ”нинг хисобига транспортда ташилганда транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;

2.1.3. ”Бажарувчи”дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган кўрсатилишини буюртманомага мувофиқ тегишли сифатга эга бўлган ”Хизматлар” кўрсатилишини талаб қилиш;

2.1.4. зарур сифатга эга бўлмаган ”Хизматлар” кўрсатилган тақдирда ўз танлашига кўра:

- зарур сифатга эга бўлмаган ”Хизматлар” шунга ўхшаш ”Хизматлар” билан алмаштирилишини;

- ”Хизматлар”нинг камчиликлари белуп бартараф этилишини ёки камчиликлар ”Буюртмачи” ёхуд учинчи шахслар томонидан тўғриланиши харажатларини қоплашни;

- баҳосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш;

2.1.5. Шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини ”Бажарувчи”дан талаб қилиш.

### 2.2. ”Буюртмачи”нинг мажбуриятлари:

2.2.1. «Хизматлар»ни 2022 йилда бюджетдан ташқари ажратилган маблағлар доирасида ”Бажарувчи” билан шартнома тузиш;

2.2.2. Ўз буюртманомаси бўйича кўрсатилган ”Хизматлар”ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

2.2.3. «Хизматлар»га мазкур шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган нарх бўйича, қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзоланган пайтдан бошлаб, ғазначилик бошқармаси рўйхатидан ўтказгандан сўнг 3 кун мобайнида ҳақ тўлаш.

### 2.3. »Бажарувчи» қўйидаги ҳуқуқларга эга:

2.3.1. Кўрсатилган ”Хизматлар” учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини ”Буюртмачи”дан талаб қилиш;

2.3.2. Берилган буюртманомага мувофиқ кўрсатилган ”Хизматлар”ни қабул қилиш асосиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини ”Буюртмачи”дан талаб қилиш.

### 2.4. »Бажарувчи» қўйидагиларга мажбур:

2.4.1. »Буюртмачи» билан тузган шартномаси имзолангандан сўнг ”Хизматлар”ни кўрсатиш:

2.4.2. ”Буюртмачи”га ”Хизматлар”ни мазкур шартномага мувофиқ ёки ”Буюртмачи” томонидан мазкур шартноманинг 4.8-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда кўрсатиш;

2.4.3. Агар ”Хизматлар”ни кўрсатиш жараёнида ”Бажарувчи” шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса, ”Буюртмачи”нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 3 кун муддатда текин тузатиб бериш.

## III. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

3.1. Шартноманинг умумий суммаси 34600000 (Ўттиз тўрт миллион олти юз минг)сўм деб белгиланди. Бажариладиган ишлар (хизматлар) учун 30 % миқдорида олдиндантўлаш мажбуриятини олади, қолган 70 % ни товарниқабул қилиш-топшириш далолатномаси,хисоб-фактура ва в.б. асосида тўлайди.

3.2. Кўрсатилган ”Хизматлар” учун пул кўчириш йўли билан накд пулсиз тартибда хисоб-китоб қилинади.

3.3. ”Хизматлар”нинг аниқ турлари, уларнинг сони, сифати ва нархи, шунингдек уларни кўрсатиш муддатлари мазкур шартноманинг таркибий қисми ҳисобланган иловада келтирилади..

#### **IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ**

- 4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун хужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.
- 4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгаришига йўл қўйилмайди, қонун хужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.
- 4.3. "Хизматлар" қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. "Буюртма"чининг Ҳисоб-китоб хужжатида ғазначилик бўлинмаларининг штампида кўрсатилган сана "Хизматлар"га ҳақ тўлаш бўйича "Буюртмачи" мажбуриятлари бажарилган сана ҳисобланади.
- 4.4. "Буюртмачи" муддатлар бузилган ҳолда кўрсатилган "Хизматлар"ни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.
- 4.5. Назарда тутилган миқдордан ортиқча бир номда "Хизматлар" кўрсатилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошқа номдаги кўрсатилмаган "Хизматлар" ўрнини тўлдириш сифатида қаралмайди ва кўрсатилмаган "Хизматлар"нинг ўрни тўлдирилиши керак, бундай "Хизматлар" "Буюртмачи"нинг олдиндан берилган ёзма розилиги бўйича кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.
- 4.6. Кўрсатилган "Хизматлар" бевосита "Буюртмачи"нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада кўрсатилган "Хизматлар" миқдори, уларнинг сифати кўрсатилади.
- 4.7. Шартномада назарда тутилган "Хизматлар" кўрсатилиши мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи"нинг буюртманомаси кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу мақсадларда "Бажарувчи" Буюртмачиларнинг буюртманомаларини рўйхатдан ўтказиш дафтарини юритади.
- 4.8. "Буюртмачи" илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд "Хизматлар"нинг тегишли қисмларини кўрсатиш санасини ўзгаришига ҳақлидир, бу ҳақда "Бажарувчи"ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабардор қиласди.

#### **V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

- 5.1. Кўрсатилаётган "Хизматлар" сифати, миқдори "Бажарувчи" томонидан нотўғри аниқланиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аниқланган тақдирда "Бажарувчи" кўрсатилаётган "Хизматлар"нинг сифатини, шунингдек уларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қиласди, ҳисоблаб чиқилган ушбу суммадан ташқари буюртмачига нотўғри ҳисоб-китоб қилинган сумманинг 20 фоизи миқдорида жарима тўлади.
- 5.2. Агар кўрсатилган "Хизматлар"нинг сифати, ассортименти, навлари стандарт, техник шартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, айборд томон кўрсатилган, сифати зарур даражада бўлмаган "Хизматлар" қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима тўлади.
- 5.3. "Хизматлар" кўрсатиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун "Бажарувчи" "Буюртмачи"га белгиланган устамалардан ташқари кўрсатилиши керак бўлган "Хизматлар"нинг 25 фоизи миқдорида жарима тўлади. Жаримадан ташқари, "Бажарувчи" "Буюртмачи"га "Хизматлар" кўрсатилмаслиги натижасида етказилган заарни тўлади.
- 5.4. Хизматлар кўрсатиш кечикирилган ёки тўлиқ кўрсатилмаган тақдирда "Бажарувчи" "Буюртмачи"га кечикирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлади, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган "Хизматлар" қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва "Хизматлар" кўрсатиш муддати кечикирилиши ёки тўлиқ кўрсатилмаслиги туфайли етказилган заарлар қопланишидан озод этмайди.
- 5.5. Кўрсатилган "Хизматлар" учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда "Буюртмачи" "Бажарувчи"га муддати кечикирилган ҳар бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида маҳсус ҳисобрақамидан пеня тўлади, бироқ бу кечикирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.
- 5.6. "Буюртмачи" томонидан тегишли шартномаси бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун "Буюртмачи"ни жавобгарликка тортища шунингдек унинг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) "Буюртмачи" томонидан шартномаси бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилмаслигига (зарур тарзда бажарилмаслигига) олиб келган "Бажарувчи"нинг жавобгарлиги ҳам қўриб чиқиласди. "Бажарувчи"нинг айби билан шартномасининг "Буюртмачи" томонидан бажарилмаслиги (зарур тарзда бажарилмаслиги) натижасида етказилган заар белгиланган тартибда "Бажарувчи" томонидан қопланади.
- 5.7. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.
- 5.8. Назорат органлари томонидан утказилган текшириш давомида бажарилган ишлар ва товар маҳсулотлар нархи юкори деб топилган тақдирда уртадаги фарқ товар етказиб берувчи томонидан копланади.

## VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

- 6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиккан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустакил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.
- 6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

## VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

- 7.1. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўғлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.
- 7.2 Шартномани тарафларнинг узаро келишувига асосан ёки Узбекистон Республикаси Фукаролик кодексига хамда амалдаги конун хужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тулаган холда муддатидан илгари бекор килиши мумкин.
- 7.3 Мазкур 34600000 сўмлик, №4-сонли шартнома «29» мартда 2 нусхада тузилган бўлиб 2022 йил «29» мартдан 2022 йил «31» декабргача амал киласди. Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, Самарканд вилоят газначилик бошкармасида белгиланган тартибда рўйхатдан утказилгандан сунг конуний кучга киради

## VIII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

- 8.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошка томон шартноманини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.
- 8.2. Мазкур шартномага ҳар кандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шарти билан ҳакикий ҳисобланади.
- 8.3. Мазкур шартнома томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.
- 8.4. Мазкур шартнома, унга ўзгартиришлар (қўшимчалар рўйхатдан утказилгандан кейин бажарилиши керак.)

## IX. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«Ижрочи»

“ASKAR BISTRO UNIVER”ХК

«Буюртмачи»

Самарқанд давлат чет тиллар институти

(бюджетдан маблаг олувчининг номи)

Манзил: Самарканд шаҳар Бўстонсарой  
кўчаси 93 уй  
Тел./факс +99891 548-61-16  
х/в20208000200717779001  
Банк номи ОАТБ “ASIAALLIANCEBANK”  
Самарканд филиали  
МФО 01143СТИР304573384  
ОКОНХ 56100

Манзил: Самарканд шаҳар Бўстонсарой  
кўчаси 93 уй  
Тел./факс 238-29-37, 238-29-50  
ш/х\* 400910860184017094100079006  
бюджетдан маблаг олувчи СТИРи 202001213

ОКЭД85420

Молия Вазирлиги Газначилиги  
Ягона ғазна ҳисобвараги 23402000300100001010  
Банкнинг номи Марказий банк ХКМ Тошкент  
шаҳар бош Бошкармаси  
МФО 00014  
газначилик бошкармаси СТИРи 201122919



Холов А.Х.



Тухтасинов И.М.

Хукуқшунос \_\_\_\_\_  
Лицензия (диплом) № берилган санаси:  
«\_\_\_» 2022 й  
Хукуқшунос \_\_\_\_\_  
Лицензия (диплом) № берилган санаси:  
«\_\_\_» 2022 й

\_\_\_\_\_  
М.У.  
\_\_\_\_\_

2022 йил 29 мартағы 4-сон шартномага илова "21 март умумхалқ наврұз байрами" муносабати билан институт профессор үқитувчи ва ходимларига байрам дастурхони ташкил этиш учун

## ТА ОМНОМА

№	маҳсулот номи	бир маҳсулотнинг		жами маҳсулот	
		ўлчов бирлиги	микдори	нархи	жами сумма
1	Нон (400 гр)	дона	180	3500	630 000
2	Ош	порца	200	35000	7 000 000
3	Сомса (250 гр)	дона	400	4000	1 600 000
4	Күк сомса	дона	400	3500	1 400 000
5	Гүштли ассорти (тил, құй, индейка, кази рулети 640 гр)	тарелка	80	72000	5 760 000
6	Салат (цезар 300 гр)	тарелка	120	18000	2 160 000
7	Салат (оливе 300 гр)	тарелка	120	16000	1 920 000
8	Салат (овощной 300 гр)	тарелка	120	9000	1 080 000
9	Олма,нок,анор,апельсин,монда рин, банан	ваза	40	81000	3 240 000
10	Печенный ассорти (200 гр)	тарелка	400	4500	1 800 000
11	Конфет, шоколад (200 гр)	ваза	10	52000	520 000
12	"Coca-cola" ичимлиги (1,5 л)	дона	80	12000	960 000
13	"Fanta" ичимлиги (1,5 л)	дона	80	12000	960 000
14	Минерал сув (1,5 л)	дона	80	5000	400 000
15	Сок	дона	80	12000	960 000
16	Хизмат хақи	хизмат	1	4210000	4 210 000
Жами:					34 600 000

"ASKAR BISTRO  
UNIVER"ХК директори

Самарқанд давлат чет тиллар  
институти ректори

Холов А.Х.

Тухтасинов И.М.





O'zbekiston Respublikasi  
Samarqand shahar hokimligi

Yuridik shaxsni davlat ro'yxatidan o'tkazish to'g'risida

# GUVOHNOMA

Reestrda qo'shilgan raqami - 15141  
2017 yil 26 yanvar

№ 09384

Mazkur guvohnoma yuridik shaxs

**«ASKAR BISTRO UNIVER»**

Xususiy korxonasiga berilgan

to'g'risi bilan qo'shilgan

Tashkiliy-huquqiy shakli

TRSh

110

Mulkehilik shakli

MSh

114

Pochta manzili

MHOBT

1718401

Yuridik shaxs kodi

KTUT

26823851

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami

STIR

304573384

Qo'shimcha ma'lumotlar:

Samarqand shahar hokimligi  
xuzuridagi "Yagona darcha"  
markazi direktori



S. Shodiboev

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

FAMILIYASI  
**XOLOV**

ISMASI  
**AKMAL**

OTASMING ISMI  
**XOJIKURBONOVICH**

TUG'ilGAN SANASI  
**30 03 1987**

MILLATI  
**O'ZBEK**  
KIM TO'LG'IBDAN BERILGAN.

SAMARQAND VILOYATI  
SAMARQAND SHAHAR IIB

TUG'ilQANI JOVI  
**SAMARQAND SHAHRI**

ERKAK

SHAXSIV IMZOLI HOLIDI - SIGNATURE

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI / REPUBLIC OF UZBEKISTAN

PASPORT PASSPORT

SHAXSIY ID / IDENTITY CARD

UZB

SPORTS RASMIYI / OFFICIAL SPORT PIN  
**AB1802580**

SHAXSIV ISMIM / NAME

**XOLOV**

SHAXSIV GIVISHMASI / DATE OF BIRTH

**AKMAL**

FUQRAROLISI / NATIONALITY

**UZBEKISTAN**

TUG'ilGAN SANASI / DATE OF BIRTH

**30 03 1987**

JENSI / SEX

TUG'ilQANI JOVI / PLACE OF BIRTH

**H**

**SAMARKAND REGION**

BERILGAN SANASI / DATE OF ISSUE

**07 11 2015**

ANAL QOLISH MUDDATI / DATE OF EXPIRY

**06 11 2025**

IRTEF'L MALLASHTIRISH OZMA-AUTOMATI  
STATE PERSONALIZATION  
CENTRE

P<UZBKHOLOV<<AKMAL<<<<<<<<<<<<<<<<<

AB18025801UZB8703307M25110633300387382003828